

ҚИЗИЛЧА КАСАЛЛИГИ УМУМИЙ ТАВСИФ, ЭТИОЛОГИЯ, ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, ПРОФИЛАКТИКА ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Мизробов Достон Ўктамович

mizrobov.doston@bsmi.uz

Бухоро Давлат Тиббиёт институти.

Аннотация: Қизилча - ўткир антропоноз вирусли инфекция бўлиб, иситма, майда доғ кўринишидаги тошма ва тарқоқ лимфоаденопатия билан кечади. Ушбу мақолада қизилча касаллигининг умумий тав.сифи, уларнинг этиологияси, эпидемиологияси, диагностика ва даволаш йўллари, шунингдек, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш усуллари баён этилади. Мақолада жаҳон тажрибаси ва замонавий ёндашувларга асосланиб, юқумли касалликларнинг тарқалишини камайтириш борасидаги асосий йўналишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: қизилча, инкубацион давр, юқумли касалликлар, этиология, эпидемиология, профилактика, эпидемияга қарши чоралар.

Мақола мазмуни.

Кириш: Қизилча - ўткир антропоноз вирусли инфекция бўлиб, иситма, майда доғ кўринишидаги тошма ва тарқоқ лимфоаденопатия билан кечади. Қизилча қуйидаги клиник белгиларга кўра кечади.

- Оёқ-қўлда, букилувчи қисмида, елка, думба соҳасида майда доғсимон папулёз тошма тошиши ;
- Тана ҳароратининг биров кўтарилиши ;
- Интоксикация бўлмаслиги ;
- Лимфоаденопатия, қулоқ орқаси ва қулоқ ости лимфа тугунларининг катталашуви ;
- Камдан-кам – артралгия

Қизилча биринчи марта 1740 йилда Немис терапевти Ф.Хофман томонидан ёзиб қолдирилган. 1881 йилда касаллик алоҳида нозологик шакл деб қабул қилинган. 1938 йилда япон изланувчилари инфекциянинг вирус табиатини исботлаб бердилар. Қизилча кўзгатувчиси 1961 йилда бир қанча олимлар П.Д.Паркман, Т.Х.Уэллер, Ф.А.Нев томонидан бир вақтнинг ўзида ажратиб олинган.

Этиология: Қизилча вируси ўзида РНК сақловчи *Togaviridae* оиласи, *Rubivirus* турига мансуб вирусдир. У ташқи муҳитга чидамсиз бўлиб, рН ўзгарганда, қуритилганда, ультрабинафша нурлар таъсирида, физик-кимёвий омиллар таъсирида тезда нобуд бўлади.

Эпидемик жараённинг ривожланиш механизми

Қизилча - антропоноз касаллик бўлиб, касаллик қўзғатувчисининг манбаи беморлар ва туғма қизилча билан туғилган чақалоқлардир. Яширин давр қизилчада 11 кундан 22 кунгача давом этади. Вирус юқори нафас йўллариининг шиллик қаватидан кириб лимфа тугунларига етиб боради (орқа ва энса лимфа тугунларига), лимфа тугунларининг яллиғланиши ва катталашишига сабаб бўлади.

Дастлаб тошмалар юзга, бўйинга, кулоқ ортига ва бошнинг сочли қисмига тошади. Бир кун давомида тошмалар бутун баданга тарқалади. Тошмалар асосан орқага, думбага ва оёқ-қўлларнинг букилувчи қисмига тошади, лекин оёқ ва қўл кафтларига тошмайди.

Тошма тошгандан кейин аста-секин йўқола бошлайди. 1-3 кун давомида бутунлай йўқолади ва ўзидан кейин доғ қолмайди. 30% ҳолларда қизилча тошмасиз кечади, аммо лимфаденит доим кузатилади. Бемор яширин даврнинг 2-ярмида эпидемик хавфли ҳисобланади. Юқори юкувчанлик продромал даврга ва касалликнинг биринчи кунларига тўғри келади.

Касаллик ҳаво-томчи йўли орқали юқиб, аҳоли орасида болалар жамоаси, айниқса уюшган аҳоли пунктларида тез тарқалади. Қизилчанинг юқумлилиги қизамиқ ва сув чечакка нисбатан пастроқ.

Касалхонанинг болалар бўлимида асосан бемор билан битта палатада ёки хонада бўлган болалар касалланади.

Касалликни онадан болага вертикал йўл билан юқиши катта аҳамиятга эга.

Ҳомиладорлар қизилча билан касалланганда вируслар плацентага тушиб кўпаяди ва плацентар тўсиқни бузиб ҳомилани зарарлайди. Йўлдош қон-томирларини вирус емириши натижасида ҳомила озиқланиши бузилади.

Ҳомиланинг секин ўсишига, ички аъзоларнинг нормал шаклланишининг бузилишига ва турли пороклар ривожланишига олиб келади.

Туғма қизилча турли аъзоларни зарарлаши мумкин, бироқ кўпроқ учлик белгиси характерли бу катаракта, карлик, туғма юрак порокларидир.

Қизилча инфекциясига табиий мойиллик юқори бўлиб, фақат чақалоқлар бир ёшгача бу касаллик билан оғримайдилар. 1-2 ёш ва 3-6 ёшли болалар касалликка берилувчан бўлиб, мактаб ўқувчилари, ҳомиладорлар ҳам касалликка мойилдирлар. Қизилча касаллигидан сўнг доимий ва турғун иммунитет қолади, лекин иммунитет бор кишилар шу инфекция билан 10-20 йил давомида қайта учрашмаса, иммунитет кучсизланади.

Эпидемиологик назорат Давлат санитария-эпидемиология хизмати томонидан амалга оширилади.

Қизилча ўчоғидаги ҳомиладор аёллар, чақалоқлар, туғма қизилча билан туғилишнинг олдини олиш мақсадида тиббий кузатувга олинади ва серологик текширувлар ўтказилади.

Ҳомиладорлардан қон олиш, ўчоқдаги биринчи бемордан қон олиш билан бир вақтда ўтказилади Ҳомиладорликни тўхтатиш тўғрисидаги қарор, ташҳис серологик тасдиқдан ўтгандагина кўриб чиқилади.

Ҳомиладор аёлда қизилчанинг клиник белгилари бўлмаса, серологик текширувлар натижасига кўра иш тутилади

Профилактик ва эпидемияга қарши курашиш чора-тадбирлари

Беморларни болалар муассасасидан ажратиб қўйиш, касалликнинг белгисиз шакли мавжуд бўлганлиги учун етарли самара бермайди. Яширин даврнинг охирига келиб қўзғатувчининг ажралиши кузатилади ва бемор хавфли ҳисобланади. Болаларни эмлаш 12 ойликда ўтказилади, ревакцинацияси 6 ёшда.

Иммуноглобулин билан шошилиш профилактика самарадорлиги паст эканлиги маълум бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.А.Даминов Инфекционные болезни с детскими инфекциями// «Практика». — 2010. — С.370—377.
2. Афанасьева Н.А. Инфекционно—воспалительные заболевания полости рта и глотки // Российский медицинский журнал = Russian medical journal : Двухмес. науч.—практ. журн. — М. : Медицина, 2007. — № 5. — С.21—25.
3. Беляков В.Д., Брик Н.И. // Здоровье населения и среда обитания: Информационный бюллетень / Федеральный центр государственного санитарно—эпидемиологического надзора. М. : ВНиСО. Ежемес., 1994 — № 10 (19) — С.4—7.
4. Белякова И.В. OF-типирование при изучении эпидемического процесса стрептококковой инфекции // Журнал микробиологии эпидемиологии и иммунологии / Минздрав РФ. — М. : Медицина, 1993. — № 2. — С.48—49.
5. Келдиёрова З.Д. Состояние иммунной системы у детей с инфекционным мононуклеозом и обоснование иммунокорригирующей терапии.// Central Asian Journal Of Medical and Natural Sciences. <http://cajmns.centralasianstudies.org/index.php/CAJMNS/article/view/422/397> 2.
6. Мизротов Д.Ў. General description, etiology, epidemiology, prevention and improvement of anti-epidemic measures of measles, rubella and rubella.//

- «Лучшие интеллектуальные исследования» №1 2024. <https://scientific-jl.org/luch/article/view/6182>. Б. 169-171
7. Jumaeva A. A., Nurov S. HYGIENIC PRINCIPLES OF FEEDING CHILDREN AND ADOLESCENTS //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 258-263.
 8. Azim o'g'li N. S. Sanitary Protection of Water Bodies and The Process of Natural Cleaning in Water Bodies //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 83-85.
 9. Azim o'g'li N. S. Cleaning of Open Water Bodies From Waste Water From Production Enterprises //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 80-82.
 10. Azim o'g'li N. S. Existing Problems in Providing the Population With Drinking Water Through Underground Water Sources //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 77-79.
 11. O'G N. S. A. Z. et al. CHANGES IN TASTE AND FOOD INTAKE DURING THE MENSTRUAL CYCLE //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D3. – С. 251-253.
 12. Нуров С. А. ИНСОН ОРГАНИЗМИДАГИ СУВНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЮҚОРИ КИМЁВИЙ ТАРКИБЛИ СУВ ТАЪСИРИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 121-123.
 13. Azimovich N. S. Pathogenetic Aspects of the Effect of Water with a High Chemical Content //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – Т. 2. – №. 6. – С. 81-83.
 14. Azimovich N. S. The Importance of Minerals for the Human Body //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – Т. 2. – №. 6. – С. 77-80.
 15. Azimovich N. S. Correction of Morpho-Functional Changes in the Kidney Caused by Groundwater Consumption with Bioactive Additives //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – Т. 2. – №. 6. – С. 84-85.
 16. Azimovich N. S. PATHOGENETIC ASPECTS OF THE PROPERTIES OF WATER IN THE HUMAN BODY AND THE EFFECT OF SOLID WATER //World Bulletin of Public Health. – 2024. – Т. 34. – С. 47-49.
 17. Sarboz A'zim o'g N. et al. STRATEGIES AND APPROACHES TO REACH OUT-OF-SCHOOL CHILDREN AND ADOLESCENTS //EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 56-58.

- 18.Sarboz A'zim o'g N. et al. Key Considerations for Assessing School Food Environments //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – T. 2. – №. 3. – C. 85-87.
- 19.Azim o'g'li N. S. Sanitary Protection of Water Bodies and The Process of Natural Cleaning in Water Bodies //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 83-85.
- 20.Sarboz A'zim o'g N. et al. Disruption of Natural Systems Affects Health //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – C. 258-260.
- 21.Sarboz A'zim o'g N. et al. The Importance of Ecology for Children's Health and Well-Being //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2022. – C. 238-240.

